O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
RISHTON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА РИШТАНСКОГО
РАЙОНА

151300, Rishton shahar, B.Roshidoniy ko'chasi, 14-uy
Tel.: (8-373) 452-15-62. Faks.: 452-15-51

151300, город Риштан, улица Б.Рашидоний, 14-дом
Тел.: (8-373) 452-15-62. Факс: 452-15-51

2020 yil «22» 02 **№ 254** **Rishton shahri.**

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 17-модда) ҳамда 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон) ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман худудидаги мулкчилик шаклидан қатьий назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларни тиркамалари тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Н.Тожалиев)га тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан (кейинги ўринларда матнда "техник-кўрик" деб юритилади) ўтказилишин учун зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда ва техника хизмати кўрсатиш ишларини ташкил этсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларни тиркамалари – бир йилда икки марта:

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили хам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта:

в) ишлаб чиқарилган йилни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта:

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда.

5. Мазкур қарорнинг 3-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача:

иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 февралдан 31 августгача ўтказилсин.

6. Тумандаги транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2020 йилга мажбурий техник кўрикдан ўтказишнинг жадвали 2-иловага мувофиқ, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2020 йилга мажбурий техник кўрикдан ўтказишнинг жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва миллий хавфсизлик хизмати харбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши назарда тутилсин.

8. Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларни ундирилишида вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган тарифларга қатъий амал қилинсин.

9. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

10. "Риштон ҳақиқати" газетаси таҳририяти (Йигиталиев), туман ҳокимлиги АКТ ходими (Д.Исмоилов)га ушбу қарор туман газетасида чоп этилсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 29 мартдаги 1556-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **С.Солиев**



Туман хокимининг
2020 йил «22» 02
№254 сонли карорига
1-илова.

Тумандаги транспорт воситаларини техник курикдан утказиш комиссияси
ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш	Лавозими
1	Н.Тожалиев	Риштон тумани ИИБ ДЙХХГ катта инспектори майор, ишчи комиссия раиси
2	Х.Эркабоев	Туман автомотохаваскорлар Жамияти иш бошкарувчи
3	А.Марахимов	М.Келдиев ММТП бош мухандиси-аъзо
4	З.Хожиахмадов	Фарғона вилояти Экология ва табиятни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Риштон туман инспекцияси бошлиғи
5	И.Курбонбоев	Туман КХТБ Давлат инспектори-аъзоси
6	Ш.Юсупов	Туман Мудофа ишлари бўлими техника назоратчиси
7	Б. Алиев	Ўзагросуғурта ДАСК бўлими агенти-ишчи гурухи

Туман хокимининг 2020 йил
«22» 02
№ 234 сонли қарорига
2-илова.

Туман худудидаги мавжуд корхона, ташкилот, фермер хужаликлари ва ММТПга карашли йуловчи ташиш билан шуғулланувчи хусусий автобуслар махсус юк ташувчи автотранспортларни 2020-йил мажбурий техник куриқдан утказиш

ЖАДВАЛИ.

№	Автокорхоналар номи	Манзили	Утказиш куни	Автомобиллар сони	Мотоциклар сони	Тиркамалар сони
	Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаси	**Белгиланган худудларда**	**01.02.2020 31.08.2020**	**458**	**1**	**23**
1	«Келдиев» ММТП	Ок-ер к	02,03,2020	1		
2	«М. Топиволдиев» ММТП	Зохидон к	03,03,2020	4		
3	Собиржон саховати юлдузи Ф/Х	Зохидон к	04,03,2020	3		
4	Ватанпарвар ташкилоти	Чинигарон к	05,03,2020	17		1
5	Пахта тозалаш заводи	Дутир к	06,03,2020	6		
6	Риштон АЙБ бошкармаси	Шокир ота к	09,03,2020	10		
7	Риштон автотранс МЧЖ	Риштон ш.	10,03,2020	1		
8	Транстехника авто плюс МЧЖ	Риштон Ш	10,03,2020	3		
9	Риштон Автоинвест МЧЖ	Авазбой	11,03,2020	6		
10	Транспорт касб хунар коллежи	Бужай киш	12,03,2020	3		
11	Халк таълими булимии	Шокир ота к	13,03,2020	5		
12	Туман ММТП АЖ	Б.Махмудов	16,03,2020	2		
13	Риштон газтаъминот корхонаси фил	Топволдиев к	17,03,2020	9		
14	Риштон стандарт транс МЧЖ	Чинигарон	18,03,2020	29		
15	Хайвонларни даволаш корхонаси	Ок ер	19,03,2020	1		
16	«Узагросугурта» компанияси	Рошидоний	19,03,2020	1	1	
17	Риштон т Ободонлаштириш бош	Топволдиев к	20,03,2020	2		
18	Тоза худуд ДУК	Риштон ш	23,03,2020	19		
19	Матлуботсавдо инвес МЧЖ	Риштон ш	24,03,2020	5		
20	Ал-Умар АА 2003 х/к	Фаргона к	24,03,2020	2		
21	Туман СЭС	Рошидоний к	25,03,2020	2		
22	Бандликка кумаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш булими	Рошидоний к	25,03,2020	1		
23	Водийнефтгазавтотранс ш. к. **АТК-1-4** филиали	Фаргона к	26,03,2020	57		16
24	Водийнефтгазавтотранс ш. к. **АТК-3**	Фаргона к	27,03,2020	26		3
25	Политехника коллеж	Туда к	30,03,2020	3		
26	Саноат Касб хунар коллежи	Фаргона к	31,03,2020	3		
27	Агрокимётаъминот корхона	Тукимачи к	01,04,2020	2		
28	Рус-Узбек текс МЧЖ	Тукимачи к	02,04,2020	12		
29	Жасур автогаз х/к	Калайнав к	06,04,2020	2		
30	Электр таъминоти корхонаси	Фаргона к	07,04,2020	1		
31	Туман маданият ва спорт ишлари бул	Риштон ш	07,04,2020	1		

	Риштон хокимяти	Риштон ш	08,04,2020	7		
33	Агросаноат касб-хунар коллежи	Мехнатобод к	09,04,2020	5		
34	Кишлок ва сув хужалик бошкармаси	Рошидоний	10,04,2020	2		
35	Бюджетдан ташкари пенсия жам	Шокир ота к	13,04,2020	1		
36	Туман давлат солик инспексияси	Риштон ш	14,04,2020	2		
37	Сувокава корхонаси	Топволдие к	15.04.2020	3		
38	Молия булимии	Риштон ш	16.04.2020	1		
39	Риштон фермер хужалиглари кенгаши	Риштон ш	16.04.2020	1		
40	Риштон авто спорт тех клуби	Риштон ш	17.04.2020	1		
41	ХММК-540 МЧЖ	Бужай	20,04,2020	1		
42	Нон комбинат хиссадор жамияти	Тукимачи	20,04,2020	1		
43	Ёркин плюс давр х/к	Рошидоний	20,04,2020	2		
44	Риштон политехника КХК	Янгиобод	21,04,2020	4		
45	Омад х\фирмаси	Риштон ш	21,04,2020	1		
46	Узбек Турк к/к МЧЖ	Бустон к	22,04,2020	2		
47	Султон х\фирмаси	Уч арик	22,04,2020	4		
48	«Гулобод-юрт»ф\х	Хуромобод	23.04.2020	1		
49	Яшил япрок плюс	Зохидон	23.04.2020	1		
50	Кахрамон Ф/Х	Ок-Ер	23.04.2020	4		
51	**Шим.Сух газ саклаш омбори**	Навбахор	24,04,2020	42		1
52	«Имконият» ф\х	Риштон	27,04,2020	1		
53	«Ахроржон» ф\х	Ок-ер	27,04,2020	2		
54	Мамасиддик Келдиев МЧЖ	Риштон ш	28,04,2020	1		
55	Турон Х/Ф	Ок ер	28,04,2020	1		
56	Ок-ер авто илм ургатувчи х\к	Ок-ер	29,04,2020	6		
57	Рошидон имкон х\ф	Рошидоний к	30,04,2020	1		
58	Риштон чини Х\К	Рошидоний к	30,04,2020	2		
59	Йулдош сад Авто хамрох х\к	Туда	01,05,2020	2		
60	Кошона Карвон х/к	Риштон	01,05,2020	1		
61	"Зохидон сифатли гишт" ХК	Риштон	29.04.2020	1		
62	Ул Риштон курилиш х/к	Риштон	30.04.2020	1		
63	Бирлашган мадат ф/х	Риштон	30.04.2020	6		
64	Зафарли юксалиш ф/х	Риштон	30.04.2020	1		
65	ОХА 94 Хусусий фирма	Риштон	30.04.2020	1		
66	Шухратжон Фаррухбек саховати д/х	Ок-ер	01.05.2020	1		
67	Рошидон ТАХІ МЧЖ	Риштон	01.05.2020	11		
68	Файзли шафтоли боглари д/х	Ок-ер	01.05.2020	1		
69	Низомиддин Сахобиддин боги ф/х	Вохим	04,05,2020	1		
70	Доруломон файз Д/Х	Риштон	04.05.2020	1		
71	Олиф ИЧХК	Ок-ер	04.05.2020	2		
72	Зайтун зиёфарм Х\К	Риштон ш	05.05.2020	1		
73	Ихтиёр-Смик Ф\Х	Ок-ер	05.05.2020	2		
74	ЧП Ал-Азиз Абдулазиз Абдулхамид	Ок-ер	05.05.2020	1		
75	Бустон мебел х/к	Бустон к	06.05.2020	3		
76	Инвест курилиш таъмир сервис МЧЖ	Риштон ш	06.05.2020	2		
77	Адолатбону Мохирабону х/к	Риштон	06.05.2020	4		
78	Самсуджон транс МЧЖ	Кошикайрон	07.05.2020	8		1
79	Риштон савдо инвест МЧЖ	Риштон ш	07.05.2020	6		
80	Саломатлик маркази	Риштон	07.05.2020	1		

.	Замин плюс файз х/к	Риштон	08,05,2020	1		
82	Камолот х/ф	Риштон	08.05.2020	3		
83	Риштон ДСЭНМ корхонаси	Риштон ш	11,05,2020	2		
84	Риштон Инвест АА Х/К	Риштон ш	11,05,2020	2		
85	Машъал к/к	Дахбет	11,05,2020	6		1
86	SIMAX МЧЖ	Риштон ш	12,05,2020	1		
87	"Жураев Илхомжон ери" Д/Х	Б.МАХМУДОВ 27А	12,05,2020	1		
88	"Зиёбек Тохиржон" Д/Х	ДАШТ ПАНДИГОН	12,05,2020	1		
89	"Зохидон Замин"ДХ	ЗОХИДОН	13,05,2020	1		
90	"Баходиржон Аслиддин"ХК	ОКЕР	13,05,2020	1		
91	"Ғаниев Тожали" Ф\Х	ЯНГИОБОД.	13,05,2020	1		
92	"Дилшоджон Одинахон" Д\Х	МИСКИН К 41	14,05,2020	1		
93	"Зироат Зар мўжизаси" МЧЖ	АЛ РОШИДОНИЙ 27	14,05,2020	1		
94	"Камолот" Х\К	КЕЛДИЕВ	14,05,2020	1		
95	"Мехригиё неъматлари" Х/К	Риштон Ш	15,05,2020	1		
96	"Риштон автошохбекат" МЧЖ	С. МАМАРАСУЛОВ	15,05,2020	1		
97	"Шерзоджон лимон ери" Д/Х	М.ТОПИВОЛДИЕВ	15,05,2020	1		
98	"Шифо" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ	КЕЛДИЕВ К	18,05,2020	1		
99	Хомидова Малохатхон D/X	ОК ЕР	18,05,2020	1		
100	Рошидон асл сабзавотлари Д\Х	ЖАХОНОБОД	18,05,2020	1		
101	Рошидон савдо Д/Х	ТОПИБОЛДИЕВ 10	19,05,2020	1		
102	Тупрогида гавхар ўсган бог ДХ	РОШИДОНИЙ К201	19,05,2020	1		
103	Бакиржон гавхари	АНХОР БУЙИ	19,05,2020	1		
104	Миришкор Ок-Ер умиди Ф\Х	ОКЕР	20,05,2020	1		
105	Муниса хусусий савдо И\Ч\Ф	ФАРҒОНА К	20,05,2020	1		
106	Низомиддин сахобиддин боғи Ф/Х	ВОХИМ К	20,05,2020	1		
107	Ойбекжон файзли ери Д\Х	АВЗБОЙ	21,05,2020	1		
108	ОК-ЕР НОНИ МЧЖ	ОКЕР	21,05,2020	1		
109	МЧЖ "БУНЁДКОР БУЖАЙ КУРИЛИШ"	БУЖАЙ К	21,05,2020	1		
110	МЧЖ "ЗИРОАТ-ЗАР МЎЖИЗА" МЧЖ	РОШИДОНИЙ 27	22,05,2020	1		
111	МЧЖ RISHTON QURILISH INVEST МЧЖ	А НАБИЕВ К 33	22,05,2020	1		
112	"AXMEDOV ULUG'BEK YERI" ФЕР/ХЎЖ	МЕХНАТОБОД К	22,05,2020	1		
113	"ГУЛАСАЛ ГУЛЁРА БОҒИ" Ф\Х	ЖАХОНОБОД К	25,05,2020	1		
114	"ZAFARLI YUKSALISH" Ф/Х	СУХОБОД К	25,05,2020	1		
115	"ДОРУЛОМОН ФАЙЗИ" Д\ Х	БОҚИЙ 28 2	25,05,2020	1		
116	"ҚАХРАМОН" ФЕР/ХЎЖ	ОҚЕР Қ	26,05,2020	1		
117	"ТУРДИБОЙ ОТА САХОВАТИ" ФЕР/ХУЖ	АВАЗБОЙ	26,05,2020	1		
118	"ФИДОКОР" Ф/Х	ДУТИР ЁШЛИК К21	26,05,2020	1		
119	ТУРОН ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	ОК-ЕР	27,05,2020	1		
120	ЎРИНБОЙ-ОТА ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ	ЗОХИДОН МФЙ	27,05,2020	1		
121	"ИСМОИЛОВ МУСЛИМ САХОВАТИ" Д/Х	РИШТОН Ш	27,05,2020	1		
122	ATB MIKROKREDIT BANK	Риштон ш	28,05,2020	1		
123	"AXMEDOV ULUG'BEK YERI" ФЕР/ХЎЖ	МЕХНАТОБОД К	28,05,2020	1		
124	"FAYZLI BOG'BON BOG'I" Ф\Х	М КЕЛДИЕВ	28,05,2020	1		
125	"ГУЛАСАЛ ГУЛЁРА БОҒИ" Ф\Х	ЖАХОНОБОД К	29,05,2020	1		
126	ТИЛЛОРАНГ МЕВАЛАР БОГИ Ф\Х	ЁЙИЛМА КИШЛОК	29,05,2020	1		
127	"МАДИНА" КТХФ	АВАЗБОЙ	29,05,2020	3		
128	"SHUKRONA DIZAYIN FAYZ" ХУС/КОРХ.	Риштон Ш	29,05,2020	3		
	Жами:			**458**	**1**	**23**

Туман хокимининг
2020 йил «____» _____
№_____сонли қарорига
3-илова.

Туман худудидаги мавжуд корхона ва ташкилотларга қарашли йўловчи ташиш билан шуғулланувчи давлат тассаруфидаги Автотранспортларни 2020 йил мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И.

№	Автокорхоналарноми	Манзили	Утказишкуни	Автомобиллар сони	Мотоциклар сони	Тиркамалар сони
1	Ватанпарвартащкилоти	Чинигарон	16.09. 2019.	2		
2	Пахта тозалаш заводи	Дутир	17.09. 2019.	1		
3	Рус-Узбек текс МЧЖ	Риштон	18.09. 2019	2		
4	Транстехника МЧЖ	Риштон	19.09. 2019.	2		
5	РиштонАвтоинвест	Авазбой	20.09. 2019.	2		
6	Шим.Сух газ омборихис\ж	Навбахор	21.09. 2019.	12		
7	Фодийнефтгазавтотранс шуба корхона АТК-1	Фаргона к	23.09. 2019.	7		
8	Фодийнефтгазавтотранс шуба корхона АТК-4	Фаргона к	24.09. 2019.	4		
9	Водийнефтгаз АТК-3	Фаргона к	25.09. 2019.	2		
10	Риштон МТП АЖ	Б.Махмудов	26.09. 2019.	1		
11	«Собиржонсаховатиюлдузи» Ф/Р	Риштон	27.09. 2019.	2		
ЖАМИ:				**37**		